



adabiyot ISLAMONLINE.UZ

Лев Толстой: "Мени мұхаммадий деб санашингизни сўрайман"

Лев Николаевич Толстой (1828-1910 йиллар) - русларнинг буюк ёзувчisi, файласуф, рус адабиёти ва тарихига катта хисса к шган шахс. У бизга кўпроқ ёзувчи сифатида таниш. Унинг фалсафий карашлари, асарлари ва уларда акс эттирилган мавзулар - Яратувчи, калб, билим, мухабbat, хаётнинг мазмунни ва шу каби бошка мулоҳазалари кенг таркалмаган. Ёзувчининг бутун ижоди давомида шуни кузатиш мумкинки, Толстой хаёт мазмунни, борликнинг яширин тартиб-коидалари ва уларга руҳий ҳамда ижтимоий танқид кўзи билан карашга жиддий эътибор берган. 1870 йиллардан бошлиб эса ёзувчи ижодида ўлим, гуноҳ, тавба-тазарру ва руҳий тасалли мавзуларига эътибор янада кучаяди.

Унинг буткул гайритабиий карашлари кўп холатларда рус ҳамжамияти учун номаълумлигича колиб кетди. У умрининг охирида черковдан юз ўғирди ва анафема холатига тушиб колди, дўстлари ва танишлари Толстойдан юз ўгиришди. 1910 йил, 81 ёшида Лев Толстой уйини ташлаб чикиб кетади ва йўлда, Астапово бекатида хаёт билан

видолашади. Нима учун бу буюк ёзувчининг умри бу кадар ачинарли якун топди, ўлимидан олдин у каёкка отланганди ва нега уйини ташлаб чикиб кетганди? Балки бу саволларга ёзувчининг баъзи хатлари жавоб бериши мумкинdir...

Мана унинг черков хакидаги мулохазалари: Черковга хаёт мазмунини тушунтириб беришни топширас экан, дунё ўз максадларидан келиб чикиб бу тушунчага хоҳлаганича ўзгартиришлар киритди. Дунё ўзининг Ийсо таълимотларига буткул зид саналган карашларини илгари сурди, черков эса шу карашлар асосида Ийсонинг буйрукларига бутунлай тескари таълимотларга асос солиб, сизни шу таълимотларга асосан хаёт кечиришга, аммо Ийсонинг кўрсатмалари зид эканлигингида карамай, Ийсога бўйсунайтгандек баҳоланишингизга хужжатлар тўкиб чикарди. Натижада, шу наса юзага келдики, дунё аслида динга бутунлай тескари хаёт кечира бошлади, черков эса буни оқлабгина колмай, бу айнан Ийсо таълимотига мос хаёт деб бонг ура бошлади".

Ясная Поляна, 1909 йил март.

Мусумонга турмушга чиккан рус аёли Е. Векилова Толстойга хат ёзиб, фарзандлари исломга киришни хоҳлашаётганини билдиради ва ёзувчидан нима килиш хакида маслаҳат сўрайди. Ёзувчи унга нима деб жавоб кайтарганига диккат килинг-а!

Мухаммадийликнинг православиядан усутн кўйилиши масаласига келсак, мен бутун калбим билан буни кўллаб-кувватлайман. Сўзларим канчалик ажабланарли туюлмасин, насронийлик тушунчалари ва насронийлик таълимотини соф холда анча юксак баҳолаган мендек шахс учун бирон бир шубха йўкки, мухаммадийлик ўзининг ташки кўринишларига асосан черков православисидан хеч шубҳасиз устун хисобланади.

Шундай экан, агар инсонга факат иккита имкон - ё черков православиясида колиш, ёки мухаммадийликни танлаш берилган имконияти берилган бўлса, хар бир онгли одам учун ягона тушунча, ягона Худо ва унинг пайгамбарини тан олуви мухаммадийликни маъкул кўриш худо хакидаги тушунчалари анчайин чалкаш учликдан, мавхумиятдан, мукаддас шахслардан ва уларнинг тасвирларидан афзал туради"

Ясная Поляна, 1909 йил 15 март.

Биз ёзувчининг яна бир мактубидан мисол келтириб, унинг машаккатли изланишлар натижасида шаклланган дунёкарашини янада тушунарлирок холга келтиришга харакат киламиз.

Агар сиз мен иймон келтирган нарсага иймон келтирганингизда, бошим осмонга етган бўларди. Сиз ўзингизни менинг ўрнимга кўйиб кўринг. Хаётнинг барча муваффакиятлари-ю бойликлар, хурмат-эхтиром, машхурлик буларнинг барчаси менда йўқ. Менинг дўстларим, хатто кариндошларим хам мендан юз ўгиришмокда. Баъзилар - либераллар ва эстетлар - мени Гогол каби аклдан озган ёки эс-хушини йўқотган деб хисобламоқдалар; бошкалар - инкилобчилар ва радикаллар - мени мистик, эзма дейишишмокда: давлат одамларининг фикрига кўра мен зааркунанда инкилобчиман; православлар эса мени шайтонга чикариб кўйишиди. Тан оламан, бу мен учун жуда кийин. Шунинг учун, илтимос, мени меҳрибон бир мухаммадий деб хисобланглар, шунда хаммаси яхши бўлади".

Ясная Поляна, 1884 йил апрель.

Кўриб турганингиздек, изохга хожат йўк.

